

Эслайсизми, “Бузук телефон” деган болалар ўйини бор. Биринчи бола “Саша” деса, иккинчиси “Каша” деб эшитади, учинчисига эса “Маша” дегандай туюлади. Кулгили ўйин! Кеча мени тўйкуздан директор чакириб колди.

— Эшитишимча, у ер-бу ерда мен хакимда хар хил бўлмагур гаплар килаётган эмишсиз. Мени лавозимимга номуносиб деганмишсиз.

— Буни сизга ким айтди? — сўрадим мен.

— Бунинг ахамияти йўк, ёкмаётган бўлсам, мархамат, кетишингиз мумкин, сизни ушлаб турмайман! — деди кўли билан эшикни кўрсатиб.

Ўйланиб туриб колдим, ким бунака бўлмагур гапни айтди экан? Директор, хар калай, директор. Мен у хақда ёмон фикрга борган хам эмасман.

Бош мухандиснинг олдига кирдим.

— Директорга мени у хақида хар хил гаплар кияпти деб сиз айтдингизми?

— Буни каердан олдингиз? — хайрон бўлди бош мухандис. — Мен факат, сизга чамаси ишимиз ёкмаётгани, балки бошка ишга ўтмоқчилигингиз хақида гапиргандим, холос.

— Бунака гапни сизга ким айтди? — сўрадим мен.

— Бунинг ахамияти йўк, — деди бош мухандис. — Нима, аслида хам шундай эмасми?! Ўйланиб туриб колдим. Бунака таги йўк гап кимдан чиқиши мумкин?

Бўлим бошлиги хонасига йўналдим.

— Мени ишдан кетмокчи, деб бош мухандисга сиз айтдингизми?

— Бунака дейишни ўйлаганим хам йўк, — таажжубланди бўлим бошлиги. — Мен факат маошингиз сизни коникирмаётгани, уни оширишларини талаб килишга чоғланаётгандай бўлганингиз хақида шипшигандим...

— Сизга буни ким айтди? — сўрадим мен.

— Ростини айтсам, эслолмайман. Кимдир...

Етакчи мухандисга учрадим.

— Бўлим бошлигига сиз айтдингизми, мени каттарок маош талаб килмокчи деб?

— Мен унга деярли хеч нарса айтганим йўк! — кўркиб кетди у. — Мен шунчаки, шунака ёш йигит-у, хозирдан кўп нарса жонига теккан, дедим, холос.

— Нима жонимга тегибди, кимдан чикди бу ярамас фикр? Ишлаб юрибман-ку, эл катори.

— Ие, шошма, — деди етакчи махандис, — бугун ишга келибок портфелингни иргитиб, “Хаммасидан тўйиб кетдим!” дединг-ку!

— Десам нима бўпти! — кичкирдим мен.

— Хеч нарса, — деди етакчи мухандис хар эхтимолга карши узокрокка жилиб. — Нима эшитсам, шуни айтдим!

Мен стулга йикилдим. Ходимлар ўраб олишди, сув беришди, бўйинбогимни бўшатишди.

— Нима бўлди? — кизикиб колишди бошкалар.

Мен бошка бўлимлардан хам кизикувчилар етиб келишлари учун бир оз кутдим, сўнгра бор кучимни тўплаб ўрнимдан турдим ва:

— Ўртоқлар! Узункулок гаплар кўпаймаслиги учун, хамманинг олдида айтиб кўяй, — дедим катъий охангда. “Хаммасидан тўйиб кетдим” дедим. Лекин, бу гапим мени директор тўйгазиб юборганини, институт ёкмаётганлигини, ишдан зерикканлигим, маошимнинг эса озлигини билдирмайди!

Бўлимда барча кизикувчилар учун жой етишмай колди. Шу боис, олдинда турганлар мен айтган гапларни елкама-елка коридорда турганларга етказа бошлашди.

— Бу шуни билдирадидики, — давом этдим иложи борича каттикрок, — Менинг кайфиятим ёмон. Хотиним билан уришиб колдим. Ёзда каерда дам олиш масаласида ҳамон бир фикрга келолмай турибмиз. Бошка ҳеч гап йўк. Эшитяпсизларми?

— Эшитяпми-из! — акс-садо билан овоз беришди коридорнинг охирида турганлар. Шу дамда мени охирги кувватим ҳам тарк этди...

Кўзимни уйда, хотиним юзларимга беозоргина уриб шивирлаганида очдим:

— Демак, мен энди сизга керак эмас эканман-да?.. Демак, мени ташламокчи экансиз-да?!

— Ким сенга бундай деди? — зўрга сўрадим.

— Яна сўрайди-я! Дўстларингиз-да, анави, сизни билмадим, каердандир олиб келганлар...

Мен кўзимни каттарок очдим, кейин секингина уларни узокрок муддатга юмдим.

Эслийсизми, “Бузук телефон” деган болалар ўйини бор. Биринчи бола “Саша” деса, иккинчиси “Каша” деб эшитади, учинчисига эса “Маша” дегандай туюлади ва натижада...

Русчадан Хабиб Сиддик таржимаси